

МИСР – ҚАДИМГИ ТАМАДДУН БЕШИГИ

Zohidov Qobiljon

tarix fanlari nomzodi, dotsent

Yangi Asr Universiteti

Аннотация:

Мақолада Миср араб республикаси ва унинг ислом динида тутган ўрни, ҳозирги пойтахти Қоҳира шаҳрининг қурилиши ҳақида сўз боради. Шунингдек, Қоҳира атамасининг маъноси таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Миср, Қоҳира, Абу Ҳавл, Сфинкс, Жавҳар ас-Сақалий

Abstract:

The article talks about the Arab Republic of Egypt and its role in Islam, the construction of its current capital, Cairo. Also, the meaning of the term Cairo is analyzed.

Keywords: Egypt, Cairo, Abu Hawl, Sphinx, Jawhar al-Saqali.

Миср араб республикаси Шимолий Африка ва Яқин Шарқда жойлашган араб давлати. Тарихи эрамиздан аввалги IV асрларга боради. Фиравнлар бошқарган юрт. Қуръони каримда Миср ҳақида бевосита 5 марта, билвосита 28 марта зикр қилинган. Мисрда дунёнинг етти мўжизаларидан бўлган улкан аҳромлар ва сирли Абу Ҳавл (Сфинкс) қад ростлаб турибди. Уни Қизил ва Ўрта ер денгизлари ўраб турса, бу иккала денгизни Сувайш канали бирлаштириб туради. Дунёдаги энг узун дарё Нил бўлиб, у Мисрнинг фаҳри ҳисобланади. Мисрда муқаддас китобларда зикр қилинган “Тур тоғи”, “Синай” яримороли, “Искандария”, “Нил” ва ҳ.к.з. Шунингдек, Миср жуда кўплаб Пайғамбарларнинг ватани ҳамдир.

Маълумки, ислом дини Миср ҳудудига халифа Умар ибн ал-Хаттоб даврида кириб келган. 640 йили халифа томонидан қўйилган волий Абу Мусо ал-Ашъарий Мисрда Фустот шаҳрини қурган. 969 йили Фотимийлар сулоласи Фустот шаҳри яқинида “القاهرة” ал-Қоҳира (ғалаба қилувчи) шаҳрини бунёд



этдилар. Фотимийлар сулоласи вакили Муъиз Лидиниллаҳ даврида Қоҳира шаҳрини ўзларига пойтахт этиб танладилар.

Тадқиқотларда янги қурилган шаҳарга “ал-Қоҳира” номи берилиши борасида баъзи ноаниқликлар учрайди. Тадқиқотчи Ю.Сухоруковнинг фикрича, Қоҳира шаҳрининг қурилиши асли арман миллати вакили қўмондон Жавҳар ас-Сақалига топширилган. Қўмондон биринчи тошни қўйишдан олдин юлдузлар жойлашувининг қулай вақтини кутган. Қурилиш учун мўлжалланган ерни қўнғироқчалар осилган арқонлар билан ўрашни буюрган. Юлдузларнинг қулай жойлашувини билган заҳоти мунажжимлар арқондан тортиб қурилиш бошланишини ишора қилишлари керак эди. Бир пайт қўнғироқчалар чалина бошлабди, аммо, уни мунажжимлар эмас, балки таранг тортилган арқонлар ёнидан учиб ўтган чумчуқлар таъсирида чалинган экан. Жавҳар шаҳар қурилиши учун пойдеворнинг биринчи тошини қўйишга улгурибди. Аммо, мунажжимларнинг хабар беришича, айнан шу пайт самода қурилиш учун энг ёмон таъсир кўрсатадиган Марс юлдузи кўринган экан. Шунингдек, мунажжимлар келажақда бу шаҳарни турклар босиб олиши ҳақида башорат берадилар. Аммо, Жавҳар тақдирга тан бериб шаҳар номини Марс планетасининг арабча номи яъни “ал-Қоҳира” ва шунингдек, “Ғалаба қилувчи” маъноси билан атаган экан [7:12-13].

Аммо, тадқиқотчининг юқоридаги фикрлари бир неча жиҳатдан мунозаралидир. Аввало, қўмондон Жавҳар ас-Сақалий (ваф. 992 й.)нинг арман миллатига мансублиги масаласи ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Муаллифнинг ўзи таъкидлаганидек, ас-Сақалий (الصقلى) нисбаси араб тилида “сицилиялик” маъносини билдиради. Айнан Жавҳарнинг Сицилиялик эканлигини Али Заде ҳам таъкидлайди [1:286]. Аммо, юқоридаги афсона ҳақида ҳеч қандай маълумот бермаган. Иккинчидан, Марс планетаси араб тилида “المريخ -ал-Миррих” [2:429] тарзида талқин этилади. Шунингдек, тадқиқотларда [6:19; 9:202] ал-Қоҳира шаҳри қўмондон Жавҳар раҳбарлиги остида қурилганлигини таъкидлайдилар, аммо, бу далиллар шаҳарнинг ал-Қоҳира деб номланиши айнан ушбу шахс билан боғлиқлигини билдирмайди. Яна шуни таъкидлаш керакки, Фотимийлар сулоласи вакиллари ўз раҳбарликлари давомида ўзларига ал-Махдийа ва тадқиқот объекти бўлиб турган ал-Қоҳира шаҳарларини бунёд этдилар. Шаҳарлар қурилиши ва албатта



унинг номланиши давлат раҳбарлари учун стратегик аҳамиятга эга масала ҳисобланади. Демак, ал-Қоҳира шаҳрини қурилиши Жавҳар ас-Сақалийга топширилган бўлсада, унинг номланиши фотимийлар сулоласи вакилларида ал-Муъиз Лидиниллоҳ Абу Тамим (953-975) шахси билан боғлиқ. Шунингдек, ал-Қоҳира номи оддийгина арабча (القاهرة) “Ғалаба қилувчи (победоносная [3:19], побеждающая [9:202])” билан сифатланган бўлиши керак.

Шунингдек, Қоҳира тулунийлар (256/871 – 292/905), ихшидийлар (321/933 – 357/968), аййубийлар (564/1170 – 648/1250), мамлюклар (648/1250 – 922/1517) давлатлари учун пойтахт вазифасини ўтади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Али-заде А. А. Исламский энциклопедический словарь. — М.: Ансар, 2007.
2. Борисов В.М. Русско-арабский словарь. 42000 слов. Под ред. В.М.Белкина. — Москва: 1967.
3. Босворт К.Э. Мусулманские династии. Справочник по хронологии и генеалогии / Пер. с англ. П.А. Грязневича. — М.: ГРВЛ, 1971.
4. Зоҳидов Қ. Т. “ТАБАҚОТ” АСАРЛАРИНИНГ ИСЛОМ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЎРНИ //Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 13. – С. 61-64.
5. Зоҳидов Қ.Т. ИБН ИСҲОҚ–СИЙРАШУНОСЛИК ЖАНРИ АСОСЧИСИ //Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities. – 2023. – Т. 2. – №. 1. – С. 114-116.
6. Семенова Л.А. Из истории фатимидского Египета. Очерки и материалы. — М.: Наука, 1974.
7. Сухоруков Ю. Каир - охраняемый и победоносный город// Отдых и путешествия. — № 3. — Москва: 2001.
8. Тоиржонович З. Қ. ИСЛОМ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА МАНБА ВА УЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР //European Journal of Interdisciplinary Research and Development. – 2024. – Т. 24. – С. 170-173.
9. Фильштинский И.М. История арабов и Халифата (750-1517 гг.) — М.: АСТ, 2006. — Б. 202.